


МАНСУР ЮНУС

ТОНГ
САБОЛАРИ

ШЕЪРЛАР



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2009

Истеъдодли ёш шоир Мансур Юнус шеърлари
республика матбуотида мунтазам равишда чоп
этилмоқда. Кўпчилиги қўшиқ бўлиб, таниқли хонандалар
тамонидан ижро қилинмоқда. Улар турли кайфиятда,
турли руҳий ҳолатларда ёзилган бўлса-да, кўнгилга яқин,
саҳарнинг сарин саболаридек ёқимлилиги билан сизга
манзур бўлажак, азиз китобхон!

*Китобни нашир қилишда яқиндан кўмак берган
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом
Фармоновга ўз миннатдорчилигимни
билдираман.*

35294
10 O94

2009/00	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston 416
A 6248	

ISBN 978-9943-08-446-9

© Мансур Юнус. «Тонг саболари», «Янги аср авлоди»
2009 йил

ИЖОДИЙ ПАРВОЗ ТИЛАБ

Мансуржонни анча йиллардан бери биламан. Ниҳоятда самимий, юмшоқтабиат, одамгарчилиги бор йигит. Талаба эди, ҳозир эса аспирант. Унчабунча мақолалар ёзиб, журналист сифатида танилиб қолган.

“Тонг саболари” сарлавҳаси остида жамлаб, тўплам ҳолига келтирган шеърларини қизиқиб ўқиб чиқдим. Устози Муҳаммад Юфга ўхшаб дард билан ёзишга интилган. Айрим шеърлари уникига ўхшаб шўх, ўйноқи ҳолда ёзилган.

Баайни, шоҳи атласда айланиб рақс тушаётган раққосанинг санъатини эслатади. Бу яхши албатта, буни олқишлиш керак!

Ёш шоирнинг “Ойдиной”, “Ният”, “Қашқадарё”, “Ўзбек аёли”, “Кўзларингда яшайман” каби қатор шеърларида унинг ўзига хос овози, ўзига хос поэтик мушоҳадаси борлигини кўриш мумкин.

Келажакда ўз юртининг ҳақиқий шоири, куйчиси бўлишини умид қилиб, бу йўлда унга сабот, матонат, тинимсиз изланиш ҳамроҳ бўлишини истаб.

*Аббос САИД.
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.*

*Падари бузрукворим Абдулла ЮНУСОВ,
она жоним Невара БЕКМУРОДОВА шинг
мўътабар 70 ёшлирига бағишилайман*

ВАТАН БУ

Туркий элим мақбаралар савлатинг,
Қадим мерос мадрасалар давлатинг,
Завол билмас мангу буюк санъатинг,
Темурийлар даврон сурган Ватан бу!

Ҳисор тоғларидан баланд бардошинг,
Сурхон сойларида оққан кўз ёшинг,
Катта карвон бугун улуғ юртбошинг,
Навоийлар макон қилган Ватан бу!

Улугбекни посбон қилган юлдузлар,
Синолардан дармон толган кўр кўзлар,
Мусофирдир, юзлаб ўғлонин излар,
Бобурларга армон бўлган ватан бу!

Билсанг Ватан, ҳар бир қалбда саждагоҳ,
Қўшиғимсан, куйларимга бўл ҳамроҳ,
Ўзбек элим сени асрасин Аллоҳ,
Тангри назар солган улуғ Ватан бу!

ОЙДИНОЙ

(Жияним Ойдиной хотирасига)

Кўкда тўлин ой негадир,
Зулматларга чўмилди.
Норасида лолагинам,
Қаро ерга кўмилди.

Миттигина кўзмунчофим,
Кўз тегдими сенга айт.
Бу дунёдан эрта кетдинг,
Икки ёш тонги отар пайт.

Риё, таъма, кин, ҳасадлар,
Оловларга кўмилсин.
Маҳшар куни Ойдинойим,
Дийдорларга чўмилсин.

Қабристоннинг бир четида,
Кулиб турган лолам бор.
Юрагимнинг туб-тубида,
Бир ўқинчли нолам бор.

ҚАШҚАДАРЁ

Боғларинг жаннатдур, жўшқин, поларанг,
Пурвиқор тоғлардек мағрур ҳар боланг,
Аллоҳга етгуси қилган ҳар ноланг,
Темур бешигини тебраттан диёр,
Соҳибқирон юрти, эй Қашқадарё.

Одамийлик шаънин улуғлаган юрт,
Ҳар қадами қутлуғ, пок иймони бут,
Сен ўзбек гулшани, қаддингни тик тут,
Абдулла Орифга бердинг сен зиё,
Алломалар юрти, эй Қашқадарё.

Оқсарой, Кўкгумбаз буюк санъатинг,
“Дор-ус-Саодат”лар мангу ҳикматинг,
Шоирлар, ҳофизлар сўнмас савлатинг,
Сен меҳрибон онамга ўхшайсан гўё,
Мени улғайтирган, эй Қашқадарё.

Номингни ҳамиша куйга соламан,
Тенгсиз чиройингдан илҳом оламан,
Сенда туғилганман, мангу қоламан,
Дардларингга дармон бўлай, илоё,
Она юртим, онамсан, эй Қашқадарё.

ГУЛИРАЊО

Коплари ёй камон жанона курдим,
Тўлинойдек ҳуснига парвона бўлдим.
Ишқ шаробин ичиб мастона бўлдим,
Сизни севиб қолдим, эй Гулирањо.

Исмингизни ёзсан куяди қалам,
Ўтли нигоҳингиз дардимга малҳам.
Сизни севғанлар кўп бу менга алам,
Сизни севиб қолдим, эй Гулирањо.

Йўлингизни кутиб ўтмоқда умрим,
Нетай баланд дорга етмайди қўлим.
Сиз менинг баҳорим, сиз менинг гулим,
Сизни севиб қолдим, эй Гулирањо.

Сизни алмашмасман бевафоларга,
Сиз деб яшайман бу дунёларда.
Аллоҳ баҳтин берсин дарди борларга
Сизни севиб қолдим, эй Гулирањо.

НИЯТ

Тұнлари бедор ўтган оналар,
Меҳридан улғайған оқыл болалар.
Тангрига етгуси буюк нолалар,
Шодликка әлтади покиза ният.

Чин ошиқ вафо күйин чалади,
Инсондан яхшилик, меҳр қолади.
Номард шайтон ошига құлин солади,
Шодликка әлтади покиза ният.

Муқаддасдир шоҳи түшак чимилдиқ,
Бүй қызлар баҳори, боғи чимилдиқ.
Шириң хаёллар белбоғи чимилдиқ,
Шодликка әлтади покиза ният.

Белдан қувват кетар, сочға оқ тушар,
Юзға ажин қўнар, қўл асо ушлар.
Қалбларга ин қуарар соҳири қушлар,
Шодликка әлтади покиза ният.

ВАТАН

Сенда кўзим очдим, сенда дунё курдим,
Сени алланг сеҳридан мен кучга тўлдим.
Сен бешигим тебратдинг, чин инсон бўлдим,
Мен пойингда сажда қилай, Она Ватан!

Боболарим ҳоки ётган она замин,
Момоларим алёр айтган она замин.
Чимдим лойинг билан қушлар қуради ин,
Тупроғингни кўзга суртай, Она Ватан!

Фарзандингман, сочингдаги битта толанг,
Дардларимнинг саноғи кўп – ўксик боланг.
Ўтмишдаги армонингман – буюк ноланг,
Бўйгинингта тумор бўлай, Она Ватан!

Бир кун танам азиз тупроғинг қучади,
Руҳим абад пок осмонингда учади.
Ҳар баҳорда қабрим узра гул унади,
Дардларингни ўзим олай, Она Ватан!

Сенда буюк аждодларим топди имкон,
Меросидан авлодларим топар дармон.
Сени қадрингни билмаган нокас, нодон,
Мен улардан ўч олайин, Она Ватан!

ЮРАК НОЛАСИ

Ишқнинг изтиробидан,
Фамгусор бўлган юрак.
Умрим сарҳисобидан,
Дилафгор бўлган юрак.

Муҳаббат оловида,
Кул бўлганинг етмасму?
Бевафонинг қўлида,
Қул бўлганинг етмасму?

Ҳар бир қалбни янгилааб,
Пойида тиз чўкасан.
Армонларга бурканиб,
Нечун кўз ёш тўкасан.

Сенга интизор ошиқ,
Кўчасидан ўтмадинг.
Кўз ёшига раҳм этиб.
Дарвозасин чертмадинг.

Бир париваш мисоли,
Қалбларимга жо бўлдинг.
Юрагимни кемириб,
Сен мени адо қилдинг.

Айтгин, сенга не керак,
Беозор, мушфиқ юрак.
Шунча қийнадинг етар,
Энди унутмоқ керак.

ОҚИБАТ

Сенсиз бу дунёда адашдим,
Давлату мансаблар талашдим,
Мен билан қолгин деб курашдим,
Қалбимдан кетмагин оқибат.

Дононинг кўзида ёш кўрдим,
Нодоннинг қўлида тош кўрдим,
Мен ҳамон пойингда бош эгдим,
Қалбимдан кетмагин оқибат.

Не учун осмонни севасан,
Сохта қалб борлигин сезасан,
Кетмоқлик режасин тузасан,
Қалбимдан кетмагин оқибат.

Сен отамдан қолган ёдгорсан,
Онамдан эсадалик туморсан,
Сенсиз яшамасман, хуморман,
Қалбимдан кетмагин оқибат.

Инсонлар меҳрдан яралган,
Ҳаёти оқибат аталган,
Поклигинг оламга таралган,
Қалбимдан кетмагин оқибат.

Сен доим шамчироқ йўлимда,
Сенсиз мазмун йўқ умримда,
Аллоҳ инъом этган кўнглимда,
Қалбимдан кетмагин оқибат

ОНА ДУОСИ

Онажон, сизни соғиндим яна,
Ёнингизда бўлсам дейман парвона.
Сизсиз бу дунёлар гариб бир хона,
Сиз қилган дуолар асрайди мени.

Олисларда юрсам, омон бўл дейсиз,
Фақат яхшилик қил, тўғри юр дейсиз.
Ижобатдир ҳар бир дуоларингиз,
Сиз қилган дуолар асрайди мени.

Ёдимдадир айтган аллаларингиз,
Худойимга қилган нолаларингиз.
Омон бўлсин доим болаларингиз,
Сиз қилган дуолар асрайди мени.

ШОИР СЕВГИСИ

Кўзингизда ҳамиша,
Севинч ёши порласин.
Бу покиза қалбингиз,
Муҳаббатни чорласин.

Орзулар осмонида,
Армонингиз қолмасин.
Ишқ куйин чалинг мудом,
Ошиқ диллар янграсин.

Садоқат зур вафо,
Ваъдасидан тонмасин.
Кўйла шоир севгисин,
Алёрлари янграсин.

ИШҚ

Ул ёрга жоним бердим,
Азобига солди ишқ.
Дилда пок мұхаббатим
Тори бўлиб қолди ишқ.

Чертаман күнгил торин,
Шўх навосин олди ишқ.
Нетай, ёр ёш бошима
Савдоларин солди ишқ.

Ошиқ дил қонлар ютиб,
Айрилиқда қолди ишқ.
Армонни қўлин тутиб,
Шаробидан қонди ишқ.

Майли, ёр, жонимни ол,
Юрак ёнди, ёнди ишқ.
Эй хаёл, мен билан қол
Ваъдасидан тонди ишқ.

ЎЗБЕК АЁЛИ

(Устози Назира ас-Саломга)

Меҳробида дунё поклансин,
Хитобида олам шодлансин,
Алласида қалблар тоблансин,
Ҳар дилбанди бўлсин иболи,
Сизга таъзим, ўзбек аёли.

Сиз тутасиз вафо майини,
Дилга поклаб ҳаё сайлини,
Назокатнинг созу найини,
Куйлар унинг ёруғ хаёли,
Сизга таъзим, ўзбек аёли.

Садоқатнинг чертиб созини,
Латофатнинг хуш овозини,
Ҳар кўнгилнинг тинглаб розини,
Мадҳ этади унинг дуоси,
Сизга таъзим, ўзбек аёли.

Иzlарида жаннат иси бор,
Сўзларида эркалар баҳор,
Сизсиз дунё қалбимизда тор,
Ҳар кўнгилнинг мангу баҳори,
Сизга таъзим, ўзбек аёли.

ШАҲРИСАБЗ ЙИГИТЛАРИ

Шивирлайди юрагим,
Шеър ёзиш ҳеч иш эмас.
Шаҳрисабз йигитлари
Шоир бўлса ярашмас.

Қўй, юрак, ундај дема,
Қучоқлама армонни.
Мени қийнаб бунчалар
Йифлатмагин осмонни.

Шаҳрисабз йигитлари,
Шоир бўлса ярашар.
Шоирларга одамлар
Ҳавас билан қарашар.

КЎЗЛАРИНГДА ЯШАЙМАН

(Санъаткор Алижон Исоқов
вонидаси Муаззам ая хотирасига)

Ўғлим, қўлда торинг бўлсин,
Куйла халқнинг дардини.
Куй сеҳрига дунё тўлсин,
Куйла инсон мардини.

Аллоҳ сенга мадад берсин,
Айро тушма иймондан.
Бу саҳоват қўлларинг ҳеч,
Узилмасин Қуръондан.

Дуоларим ҳамроҳ бўлсин,
Пок ниятли ишингда.
Кўзларингни ёшлама ҳеч,
Кўрсанг мени тушингда.

Мен яшайман кўзларингда,
Кўзларингни асрагин.
Мен яшайман сўзларингда,
Сўзларингда асрагин.

Фарзандларинг камол топсин,
Бахту иқболим ўзинг.
Бу дунёда мангу қолсин,
Куйга муштоқ ҳар сўзинг.

Пешонангни силар қўлим,
Бўлдинг танамда дармон.
Халқ дардига дармон бўлгин,
Торинг билан Алижон.

Саҳна буюк, муқаддасдир,
Ризқинг бут бўлсин, болам.
Ҳар қадаминг қутлуғ бўлсин,
Сени танисин олам.

Сени дилбар қўшиқларинг,
Ноласида яшайман.
Алижон, мен фарзандларинг,
Кўз қорасида яшайман.

ИЛТИЖО


(Устозим шоира Замира Эгамбердиева
хотирадига)

Тугар бир кун инсон ердаги йўли,
Ер бағрин қучади саҳоват қўли.
Осмонга учади ҳокисор руҳи,
Ўзинг раҳмат қилгин, эй Қодир Аллоҳ.

Давлатинг ортингдан таъналар қиласар,
Дўстинг кўз ёш тўкар, душманинг кулар.
Она зор йифлайди, бағри қон бўлар,
Ўзинг мадад бергин, эй Қодир Аллоҳ.

Қолар яхшиликлар, меҳру муҳаббат,
Ширин туйғулару сабру қаноат.
Очликка, тўқликка қиласади тоқат,
Ўзинг паноҳ бергин, эй Қодир Аллоҳ.

Ҳақ йўлдан оздирмоқ бўлади шайтон,
Умрнинг заволи сарҳисоб армон.
У фақат ягона бўлади дармон,
Ўзинг даво бергин, эй Қодир Аллоҳ.



КҮНГИЛ

Бу дунё бир зртак экан,
Таъмагирга эрмак экан,
Кимларга тож керак экан,
Ҳақиқатни изла күнгил.

Жайронларнинг кўзида ёш,
Мунофиқнинг қўйнида тош,
Нечун зарга эгарлар бош,
Ҳақиқатни изла күнгил.

Оқибатни унутдилар,
Сохталик қўлин тутдилар,
Мансабни интиқ кутдилар,
Ҳақиқатни изла күнгил.

Алп ўғлонлар боши эгик,
Пари қизлар қалби кемтик,
Бевафога кўнгил бердик,
Ҳақиқатни изла күнгил.

Нопокликдан ҳазар қилгин,
Шароб тутса заҳар билгин,
Чин инсоилик тўнин кийгин,
Ҳақиқатни изла күнгил.

ТОНГ САБОЛАРИ

Эсар майин тонг саболари,
Варақлайди умр дафтарин.
Авж олади булбул куйлари
Үйғонади бу улуғ замин.

Заррин қүёш нурин таратар,
Үйғонади бутун мавжудот.
Беркинади митти юлдузлар
Тонг үйғотар борлиқни, ҳайҳот.

Гүзәлликка бурканар олам,
Гүзәл бўлар қирлар, адирлар.
Кўрса завқи келади одам
Қуюлади дилдан сатрлар.

Тўлиб-тошиб оқмоқда анҳор,
Сойда сочин ўрар мажнунтол.
Қўшиқ олиб келмоқда баҳор
Қучоқ очиб, дўстим, кутиб ол!

ЯЛПИЗГИНАМ

(Марҳум устаз Мұхаммад Юсуфға)

Оліс карвон түхтагил бир пас,
Қайси манзил томон шошасан.
Нега содда Мұхаммадингни,
Бағримиздан юлиб қочасан.

Ана, тоғлардаги жайронлар;
Үксик қалби билан сүзлайды.
Хатто боши эгік оқулар,
Садарайхон нега бүзлайды.

Ялпизгинам соғиндингми айт?
Сени эркалаган эрканғни.
Күйчи булбул овозинг бүғиқ
Унутмагин энди эртанғни.

Капалакжон – меҳрибонгинам,
Қызғалдоқнинг қўлидан тутгин.
Марҳаматга шошил ушбу дам
Мұхаммадни зиёрат этгин.

Ахир, сени севиб, эркалаб,
Пешонангни қўйган лабига.
То қиёмат ҳилпираб тургин
Кокилингни ёйиб қабрига.

ЙИГИТНИНГ

Пок муҳаббат бўлсин дилида,
Вафо ҳамроҳ бўлсин йўлида,
Хайру савоб бўлсин қўлида,
Йигитнинг чин севгани бўлсин.

Иймони бут, лабзи ҳалол,
Омад қучсин ва топсин камол.
Буюк номи кўрмасин завол,
Бахт-иқболи кулгани бўлсин.

Кўшиғи мос бўлсин куйига,
Ризқ-барака бўлсин уйида,
Бўйтуморлар тақсин бўйига,
Уйда кутган аёли бўлсин.

Йигит қасам ичмайди асло,
Белбоги бор, унутмас аммо,
Йигитликдан қолсин доимо,
Ҳам оқибат, вафоси бўлсин.

КУЙЛАНГ

(Мұхаббат күйчеси Илҳом Фармонауга)

Дарәлардек оқиб куйланг сиз,
Дилни ўртаб, ёқиб куйланг сиз.
Дарди борга боқиб куйланг сиз,
Садоқатни куйланг, Илҳомжон.

Куйланг оналарнинг дардини,
Инсонларнинг асл мардини,
Оталарнинг билсин қадрини,
Оқибатни куйланг, Илҳомжон.

Куйланг Ўзбекойим қизини,
Ибоси-ю, ширин сўзини,
Бўялмаган қаро кўзини,
Назокатни куйланг, Илҳомжон.

Мусофирнинг муштоқ дуосин,
Ўксик қалбнинг ўксик нидосин,
Меҳр-муҳаббат ибтидосин.
Ўтмишини куйланг, Илҳомжон.

Кўнгил бўлган кўзгуларимни,
Оллоҳ берган туйғуларимни,
Куйга муштоқ дил сўзларимни,
Жўшиб-жўшиб куйланг, Илҳомжон.

МЕН ОШИҚМАН

Қараашлари юракка ўтлар солади,
Бу оташда юрагим лов-лов ёнади,
Йўлин тўссам “ака” деб жоним,
Мен ошиқман Қашқадарё шўх қизига.

Кўзим тўймас ойрухсору гул юзига,
Жоним садқа ширин забону сўзига,
Севишимни айтаман бир кун ўзига,
Мен ошиқман Қашқадарё пўх қизига.

Қашқадарё навосида хиром этар,
Минг ошиқни куйдиришда давом этар,
Бу қизгина бир кун мени тамом этар,
Мен ошиқман Қашқадарё шўх қизига.

Парвоз этинг садоқатли осмонларга,
Ўзим қалқон сиз ёқтирмас ёмонларга,
Меҳмон бўлинг Шаҳрисабз томонларга.
Мен ошиқман Қашқадарё шўх қизига.

Ўзим айтай Шаҳри Кешнинг ёр-ёрини,
Шайдо айланг ошиқ кўнглим гулзорини,
Тақиб қўяй Темур бобом туморини,
Мен ошиқман Қашқадарё шўх қизига.

АЁЛ

Түнларни тонгларга улаган,
Худойимдан фарзанд тилаган,
Фаришталар бошин силаган,
Тирноққа зор қилма аёлни.

Оұу күздан түкма ёшини,
Номардларга эгма бошини,
Шайтонларга берма ошини,
Тирноққа зор қилма аёлни.

Шириң сўзга гадолар қилма,
Мұхаббатин савдолар қилма,
Ожизадир, бағрини тилма,
Тирноққа зор қилма аёлни.

Аёллар бор, шодлан, эй дунә,
Алласидан поклан, эй дунә,
Қалби узра отлан, эй дунә,
Тирноққа зор қилма аёлни.

Беш кунинг ұмам үтиб кетади,
Армонларни ютиб кетади,
Лекин аёл абад кутади,
Тирноққа зор қилма аёлни.

Унинг буюк давлати фарзанд,
Ва тенги йўқ савлати фарзанд,
Энг сўнгти дам, ноласи фарзанд,
Тирноққа зор қилма аёлни.

Синамагин аёл сабрини,
Эъзозлагин буюк қадрини,
Камлаб бергин унинг дардини,
Тирноққа зор қилма аёлни.

БОЛАЖОН

Норасида юрагингда,
Оламга тенг дарл ётар.
Митти кўзлар кўкка боқиб,
Юлдуз санаб тонг отар.

Сен ёлғон муҳаббатнинг,
Қурбоними, болажон.
Ё бевафо хиёнатнинг,
Сарсоними, болажон.

Бағритошга айб эдими,
Бу дунёга келганинг.
Қисматингга битилганми,
Меҳр истаб юрганинг.

Кўз ёшингдан маржон тақсин,
Сенсиз юрган оналар.
Тош қалбини ўтда ёқсин,
Сенсиз юрган оталар.

СИЗ ДЕБ ЯШАЙМАН

Күзимни ҳеч кимга бермадим,
Айрилиқда яшашни билмадим,
Сизсиз дунёларга сиғмадим,
Бу дунёда сиз деб яшайман.

Изингизда қолди күзларим,
Дилингизда шириң сўзларим,
Армондан чўкмоқда бўйларим,
Бу дунёда сиз деб яшайман.

Қалбимда очилганрайҳоним,
Шириң азоб берган пайконим,
Сизсиз узилмайди бу жоним,
Бу дунёда сиз деб яшайман.

Сизсиз менинг кўқдаги моҳим,
Мендан қолар абадий оҳим,
Асраб юрсин сизни Аллоҳим,
Бу дунёда сиз деб яшайман.

МУҲАББАТ

Қалбимдаги дилрозим,
Ва оташин шўх созим,
Ҳар баҳору ҳар ёзим,
Тарк айлама муҳаббат.

Муҳаббатжон, борим бўл,
Ҳам дўсту, ҳам ёрим бўл,
Мендан қолар оҳим бўл,
Йироқ кетма, муҳаббат.

Сарсон бўлдим начора,
Раҳм айлагин бир бора,
Бу бевафо дунёда,
Вафодор бўл, муҳаббат.

Юрагимда пок туйғу,
Сендан йироқдир қайғу,
Сен-ла, яшайман мангу,
Баҳорим бўл, муҳаббат.

ШАҲНОЗА

Тонгда қўлим очдим дуога,
Оҳларим кўп, айтдим сабога,
Сабо олиб борсин Ҳудога,
Шаҳнозани мендан айирма.

Ўзбегимни гул қизи эрур,
Қизларойим булбули эрур,
Қалбимнинг пок сумбули эрур,
Шаҳнозани мендан айирма.

Мени ишқ ўтига солгин,
Моҳитабон ёр бўла қолгин,
АЗобингда жонимни олгин,
Шаҳнозани мендан айирма.

СОФИНЧ

Ошиқ дилим ўртайверади,
Қалбим сени куйлайверади,
Күнглим маюс йиғлайверади,
Гулим, сени соғинган кеча.

Эркагинам, парирўйимсан,
Орзу қушим, шириң ўйимсан,
Тўхтамайди ёшлар кўзимдан,
Гулим, сени соғинган кеча.

Осмонимда порлаган юлдуз,
Моҳитабон, ошиқи дилсўз,
Мен ўзимни сезаман ёлғиз,
Гулим, сени соғинган кеча.

Софинчларим осмон бўлди-ку,
Севгим элда достон бўлди-ку,
Кутавериб сабрим тўлди-ку,
Гулим, сени соғинган кеча.

Софинтирмай, кел энди дилдор,
Тингла ошиқ дардимни бир бор,
Висолингга қилма интизор,
Гулим, сени соғинган кеча.

ШАХРИ КЕШ ҚИЗЛАРИ

Тұлин ойдир юзлари,
Оқу сифат күзлари,
Гүзалиқда тенги йүқ
Шаҳри Кешнинг қизлари.

Бол томади сўзидан,
Нур ёғилар юзидан,
Тунлар лолдир кўзидан
Шаҳри Кешнинг қизлари.

Ҳунарни у зар билар,
Ҳамма ишларда чевар,
Қўшиқ куйлар, шеър ёзар
Шаҳри Кешнинг қизлари.

Пазандаю, созанда,
Донғи кетган хонанда,
Лабидан тушмас ханда
Шаҳри Кешнинг қизлари.

Йигитлар бўлманг ҳайрон,
Бу ер Шаҳри Кеш – бўстон,
Таърифи злга достон
Шаҳри Кешнинг қизлари.

АРМОН МУҲАББАТ

Ишқ навосин чERTолмай тор йиғлайди,
Айрилиқда юрак зор-зор йиғлайди.
Ёт уйида мен севган ёр йиғлайди,
Қалбимда энг буюк армон муҳаббат.

Изинг қолган күчаларни кезиб келдим,
Васлинг излаб, юрагимни эзиб келдим.
Күз ёшимдан күэмунчоқлар тизиб келдим,
Қалбимда, ёр, сенсиз сарсон муҳаббат.

Олислардан күриб турай дийдорингни,
Юрагимдан ранг олган лолазорингни.
Хазонлардан ўзим асрай гулзорингни,
Қалбимда ўтмишинг дармон муҳаббат.

Сен кетдинг бу дунёдан тўзиб кетдим,
Эҳ, сенсизлик уммонига чўкиб кетдим.
Ошиқ бўлиб девонадан ўзиб кетдим,
Қалбимда энг буюк армон муҳаббат.

МУНДАРИЖА

Ижодий парвоз тилаб.....	3
Ватан бу	4
Ойдиной	5
Қашқадарё	6
Гулираъно	7
Ният	8
Ватан	9
Юрак ноласи	10
Оқибат	11
Она дуоси	12
Шоир севгиси	12
Ишқ	13
Узбек аёли	14
Шаҳрисабз йигитлари	15
Кўзларингда яшайман	15
Илтижо	17
Кўнгил	18
Тонг саболари	19
Ялпизгинам	20
Йигитнинг	21
Куйланг	22
Мен ошиқман	23
Аёл	24
Болажон	25
Сиз деб яшайман	26
Мұҳаббат	26
Шаҳноза	27
Софинч	28
Шаҳри Кеш қизлари	29
Армон мұҳаббат	30

МАНСУР ЮНУС

ТОНГ САБОЛАРИ

**Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА**

**Мусаҳдиқ
Бахтиёр КАРИМОВ**

**Тех муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО**

**Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА**

Босишга 23.06.2009 й.да рухсат этилди.

Бичими 70x84 1\32. Босма тобоги 2,0.

Шартли босма тобоги 1,9.

Гарнитура “LexTimes Cyt+Uzb”. Офсет қоғоз.

Адади 500 нусха. Буюргма № 143.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлилар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожсаат учун телефоnlар:

Нашр бўлими – 278-36-89;

Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс — 273-00-14; e-mail: yangiasr@inbox.ru